Халқ депутатлари Гулистон шаҳар Кенгаши

ҚАРОРИ

2020 йил "7" декабр **75/15-6-сон** **Гулистон ш.**

"Бўстон", "Дўстлик", "Улуғ йўл" ва "Янги хаёт" маҳалла фуқаролар йиғнларини бўлиш йўли билан яигитдан маҳалла фуқаролар йиғини ташкил этиш тўғрисида

"Географик объектларнинг номлари тўғрисида" Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 12 октябрь кунги ЎРҚ–303-сон қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 4 мартдаги 48-сон "Шаҳарлар, посёлкалар, қишлоқлар ва овулларнинг маҳаллаларини тузиш, бирлаштириш, бўлиш ва тугатиш, шунингдек уларнинг чегараларини белгилаш ва ўзгартириш, уларга ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги қарори ижросини таъминлаш,ҳамдаГулистон шаҳар ҳокимининг янги маҳалла фуқаролар йиғинини ташкил этиш ҳақидаги таклифини инобатга олиб, шунингдек, географик объектларни номлаш соҳасидаги давлат сиёсатини самарали амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябр кунги "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги 913-XII-сон Қонуни 6, 24-моддаларига мувофиқ Халқ депутатлари Гулистон шаҳар Кенгаши **қарор қилади:**

1. Гулистон шаҳар ҳокимининг "Гулистон шаҳридаги айрим маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудларини ўзгартириш, янги маҳалла фуқаролар йиғинларини ташкил этиш тўғрисида"ги таклифи маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Шаҳардаги мавжуд маҳалла фуқаролар йиғинлари таркибидан бўлиниб чиқаётган янги маҳалла фуқаролар йиғинлари 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. "Улуғ йўл", "Ниҳол", "Дўстлик", "Соҳил", "Янги ҳаёт", "Нурафшон", "Бўстон", "Буюк келажак" ва "Бахт"маҳалла фуқаролар йиғинларининг чегара худудлари ва аҳоли пунктлари 2,3,4,5-иловаларига мувофиқ тасдиқлансин.

4. Гулистон шаҳар “Ермулккадастр” Давлат корхонаси раҳбари (Я.Юнусов)га 2,3,4,5-иловаларига асосан бир ойлик муддатда мазкур қарор билан тасдиқланган барча янги ташкил этилаётган,“Улуғ йўл”, “Ниҳол”, “Дўстлик”, “Соҳил”, “Янги ҳаёт”, “Нурафшон”, “Бўстон”, “Буюк келажак” ва “Бахт” маҳалла фуқаролар йиғини чегараларини акс эттирувчи чизмаларини тайёрлаб, шаҳар Кенгаши тасдиғига киритиш вазифаси юклатилсин.

5. Шаҳар молия бўлими (Б.Хатамов)га, 2021 йил 1 январдан бошлаб, харажатлар сметасида янги ташкил этилган маҳалла фуқаролар йиғинларига белгиланган тартибда штат бирликлари ажратилсин ҳамда мазкур қарордан келиб чиққан ҳолда зарур хисоб-китоб ишларини амалга оширсин.

6. Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш Гулистон шаҳар бўлими (О.Турдиева), ва сектор раҳбарларига:

бир ойлик муддатда тегишли идора ва ташкилотларни жалб қилган ҳолда ушбу қарор асосида янги тузилган маҳаллалар қайси секторга тегишлигига аниқлик киритиш;

ташкил этилаётган маҳалла фуқаролар йиғинлари учун зарур бино ва моддий техника таъминоти билан таъминлаш чораларини кўрсин.

7. Тегишли ҳамда манфаатдор идора ва ташкилотлар билан биргаликда ўзлари қабул қилган ёки иш юритувидаги муҳим хужжатларини бир ойлик муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

8. Шаҳар ҳокимлиги, мазкур қарорни оммавий ахборот воситалари орқали расмий нашр этилишини ва шаҳар ҳокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилишини, қоғоз ва электрон шаклларда бир кунлик муддатда, тегишли давлат органлари ҳамда ташкилотларга етказилишини ташкиллаштирсин.

9. Ушбу қарор ижросини таъминлаш шаҳар ҳокими ўринбосари – маҳалла ва оилани қўллаб – қувватлаш Гулистон шаҳар бўлими (О.Турдиева) га юклатилсин.

10. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Халқ депутатлари шаҳар Кенгашининг ижтимоий-маданий ривожланиш масалалари бўйича доимий комиссияси (С.Муҳаммадиев) га юклатилсин.

11. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Кенгаш раиси **Т.Дадабаев**

Халқ депутатлари шаҳар Кенгашининг
2020 йил [illegible] даги
[illegible]-сонли қарорига
1-илова

Бўлинаётган маҳалла фуқаролар йиғинлари таркибидан ажралиб чиқаётган янги маҳалла фуқаролар йиғинлари

Т/р	Бўлинаётган МФЙ номи	МФЙлар бўлингандан сўнг	
1	"Улуғ йўл"	1	"Улуғ йўл"
		2	"Ниҳол"
2	"Дўстлик"	1	"Дўстлик"
		2	"Соҳил"
3	"Янги ҳаёт"	1	"Янги ҳаёт"
		2	"Нурафшон"
4	"Бўстон"	1	"Бўстон"
		2	"Буюк келажак"
		3	"Бахт"

Изох: *Жами 4 та маҳалла фуқаролар йиғини бўлинади ва таркибига ўзгартириш киритилади, 5 та янги маҳалла фуқаролар йиғини ташкил этилади.*

Ҳозирда Гулистон шаҳрида жами 19 та маҳалла фуқаролар йиғинлари мавжуд, 5 та янги маҳалла фуқаролар йиғини ташкил этилганлиги муносабати билан жами 24 та маҳалла фуқаролар йиғинлари бўлади.

Халқ депутатлари шаҳар Кенгашининг
2020 йил "2" [illegible]
[illegible] қарорига
2-илова

"Бўстон", "Буюк келажак" ва "Бахт" маҳалла фуқаролар йиғинлари кўча чегаралари

№	Кўчалар номи	Хонадонлар сони	Оилалар сони	Аҳоли сони
"Бўстон" маҳалла фуқаролар йиғини кўча аҳоли пунктлари чегаралари				
1.	Гулистон	1-194	268	907
2.	Шодиёна	1-207	278	1100
3.	Талабалар	1-324	347	1300
4.	Гуллола	1-180	212	678
5.	Тинчлик	1-316	297	1362
Жами:		1221	1402	5347
"Буюк келажак" маҳалла фуқаролар йиғини кўча аҳоли пунктлари чегаралари				
1.	Буюк келажак	1-405	407	1755
2.	Янги лойиха	1-716	553	2032
3.	Гулистон	1-64	64	192
Жами:		1185	1024	3979
"Бахт" маҳалла фуқаролар йиғини кўча аҳоли пунктлари чегаралари				
1.	Истиқлол	1-9	13	42
2.	Тинчлик	1-13	17	68
3.	Ифтихор	1-18	21	84
4.	Мададкор	1-18	22	88
5.	Олтин водий	1-18	24	96
6.	Бирдамлик	1-18	21	84
7.	Мевазор	1-18	25	100
8.	Адиблар	1-18	23	92
9.	Янги аср	1-18	18	72
10.	Оқолтин	1-16	20	80
11.	Пешқадамлар	1-12	19	76
12.	Камалак	1-14	17	68
13.	Лойиҳадаги кўчалар	1-541	587	2328
Жами:		714	810	3278
Умумий сони:		3120	3253	12604

Халқ депутатлари Қарши шаҳар Кенгашининг
2020 йил [illegible] даги
[illegible]-сонли қарорига
3-илова

“Дўстлик” ва “Сохил” маҳалла фуқаролар йиғинлари кўча чегаралари

№	Кўчалар номи	Хонадонлар сони	Оилалар сони	Аҳоли сони
“Дўстлик” маҳалла фуқаролар йиғини кўча аҳоли пунктлари чегаралари				
1.	Равнақ	1-126	171	576
2.	Миришкорлар	1-119	235	705
3.	Турон	1-121	186	689
4.	Чўлпон	1-116	174	753
5.	Буюк юрт	1-112	161	602
6.	Т.Ахмедов	1-26	33	231
7.	М.Рахимов	1-24	28	289
8.	Сохил бўйи	1-11	47	265
Жами:		655	1175	4110
“Сохил” маҳалла фуқаролар йиғини кўча аҳоли пунктлари чегаралари				
1.	Равнақ	1-119	165	786
2.	Миришкорлар	1-101	147	598
3.	Турон	1-125	184	736
4.	Чўлпон	1-109	190	760
5.	Буюк юрт	1-107	165	656
6.	Сохил бўйи	1-38	38	325
7.	Баркамол авлод	1-19	19	36
8.	Тоғайназаров	1-25	25	130
9.	Нурли йўл	1-71	71	213
Жами:		714	1225	4240
Умумий сони:		1369	2400	8350

Халқ депутатлари [illegible] Кенгашининг
2020 йил [illegible] даги
[illegible]-сонли қарорига
[illegible]-илова

“Улуғ йўл” ва “Нихол” маҳалла фуқаролар йиғинлари кўча чегаралари

№	Кўчалар номи	Хонадонлар сони	Оилалар сони	Аҳоли сони
“Улуғ йўл” маҳалла фуқаролар йиғини кўча аҳоли пунктлари чегаралари				
1.	Беруний	1-73	74	375
2.	Суғдиёна	1-116	118	629
3.	У.Юсупов	1-92	94	482
4.	Тошкент йўли	1-86	85	427
5.	Ғолиблар	1-15	16	79
6.	Навруз	1-21	19	84
7.	Мирзаев тор	1-22	23	88
8.	Ойбек	1-16	17	87
9.	Тараққиёт	1-12	14	59
10.	Нодирабегим	1-26	27	139
11.	Бобур	1-30	31	134
12.	Лолазор	1-16	17	89
13.	Бойсун	1-25	26	134
14.	Зулфия	1-15	17	91
15.	Илк қадам	1-18	19	83
16.	Якка тол	1-38	40	184
17.	Нур тепа	1-17	18	99
18.	Янги лойиха	1-10	12	61
19.	Заркент	1-18	19	104
20.	Чашма	1-16	18	96
21	Тошкент	1-6	0	0
21.	Ипак йўли	1-121	134	691
Жами:		809	838	4215
“Нихол” маҳалла фуқаролар йиғини кўча аҳоли пунктлари чегаралари				
1.	Беруний	1-142	124	824
2	Ғолиблар	1-81	74	571
3	Садаф	1-28	20	212
4	Хамза	1-12	13	171
5	Алпомиш	1-26	21	213
6	Бобур	1-23	24	218
7	Тараққиёт	1-40	37	251
8	Нодирабегим	1-48	45	219
9	Суғдиёна	1-65	48	328
10	Мирзаев	1-109	71	433
11	Шахристон	1-13	14	124
12	Норнисо она	1-12	13	136
13	Келажак овози	1-15	17	91

14.	Нихол	1-30	25	108
15.	Ипак йўли	1-30	27	130
16.	Янги лойиха	1-45	41	139
Жами:		**719**	**614**	**4168**
Умумий сони:		**1528**	**1452**	**8383**

Халқ депутатлари Нанай туманлараро Кенгашининг
2020 йил 17 [illegible] даги
[illegible]-сонли қарорига
5-илова

"Янги хаёт" ва "Нурафшон" маҳалла фуқаролар йиғинлари кўча чегаралари

№	Кўчалар номи	Хонадонлар сони	Оилалар сони	Ахоли сони
"Янги хаёт" маҳалла фуқаролар йиғини кўча ахоли пунктлари чегаралари				
1.	Жамбул	1-82	90	351
2.	Бинафша	1-68	89	328
3.	Бахор	1-61	75	378
4.	Нурафшон	1-75	82	350
5.	Бахористон	1-118	128	217
6.	Боғбон	1-78	89	290
7.	Турсунзода	1-52	63	287
8.	Навруз	1-191	192	534
9.	Бирлашган	1-120	121	348
10.	Арчазор	1-70	75	193
11.	Увайсий	1-28	34	152
12.	Ўзбекистон	1-27	30	213
13.	Самарқанд	1-21	22	118
14.	Олчазор	1-59	86	272
Жами:		**1050**	**1176**	**4031**
"Нурафшон" маҳалла фуқаролар йиғини кўча ахоли пунктлари чегаралари				
1.	Мактаб	1-24	24	212
2.	Бодомзор	1-23	25	184
3.	Ўрикзор	1-42	48	203
4.	Рамиз Бобожонов	1-38	41	228
5.	А.Ўтар	1-29	32	384
6.	А.Жомий	1-34	40	268
7.	Ф.Хўжаев	1-61	64	364
8.	А.Икромов	1-46	48	270
9.	Ф.Хўжаев	1-30	32	121
10.	19-квартал	1-573	490	1762
Жами:		**900**	**866**	**3996**
Умумий сони:		**1950**	**2042**	**8027**